Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 60 (21. 179) 1992 йил 25 март, чоршанба

БАҲОСИ 1 СЎМ.

СУРИЯЛИК МЕҲМОНЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА



Қабул пайти.

А. Горокрик олган сурат. (ЎзА)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов республикамизга ташриф буюрган Сурия Араб Республикаси ташқи ишлар вазири Фаруқ ал Шараа бошчилигидаги Сурия ҳукумат делегациясини 24 март куни қабул қилди.

И. А. Каримов билан Фаруқ ал Шараа ўртасида дўстона ва самимий суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида республика Президенти меҳмонларга Ўзбекистон ва унинг табиий бойликлари, ана шу бойликлардан мустақиллик йўлида самарали фойдаланишга ҳаракат қилинаётганлиги, ўлканинг иқтисодиёти ва маданияти, унда яшаётган халқлар ўртасида қарор топган ўзаро аҳиллик ва дўстлик ҳақида сўзлаб берди.

Суҳбатда Сурия билан Ўзбекистон ўртасида бевосита иқтисодий ва маданий алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантиришга эътибор қаратилди. Сурия ҳукумати делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи, — деди Президент, — икки мамлакат ўртасида ана шундай ўзаро манфаатли алоқаларни қарор топтиришда муҳим қадам бўлади.

Ўзбекистон Президенти Суриянинг халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган сиёсатига юқори баҳо берди. У Сурия халқига ўзининг эзгу тилакларини етказишни делегация аъзоларидан илтимос қилди.

Фаруқ ал Шараа Ўзбекистон диёрида илиқ ва дўстона кутиб олинганликлари ҳамда самимий ва фойдали суҳбат учун Президент И. А. Каримовга делегация аъзолари номидан самимий миннатдорчилик изҳор этди. У Сурия давлати Ўзбекистоннинг мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олганлигини, иккала мамлакат ўртасида барча соҳаларда ўрнатиладиган алоқаларни ривожлантириш катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Фаруқ ал Шараа Сурия Араб Республикасининг Президенти Ҳафиз Асад номидан Президент И. А. Каримовни Сурияга таклиф этди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Р. Ражабов, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазири Ў. Т. Султонов, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ф. Ғ. Тешабоев қатнашдилар.

ДЕЛЕГАЦИЯ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Сурия Араб Жумҳурияти-нинг делегацияси 23 март куни Ўзбекистон пойтахтига келди. Делегацияга шу мамлакат ташқи ишлар вазири Фаруқ ал Шараа бошчилик қилмоқда.

Сурия Араб Жумҳурияти билан Ўзбекистон Республикасининг давлат байроқлари хилпираб турган Тошкент тайёрагоҳида ҳурматли меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Р. Ражабов, республика ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ф. Ғ. Тешабоев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг мухбири самолёт пиллапояси ёнида вазир билан қисқача суҳбатлашди.

— Биз қардош Ўзбекистон диёрига зўр қувонч билан келдик, Сурия билан Ўзбекистон ўртасида жуда азалдан дўстона алоқалар бор, — деди, жумладан Фаруқ ал Шараа. — Самимий кутиб олганликлари учун миннатдорчилик билдирамиз ва бизнинг ташрифимиз самарали бўлишига астойдил ишонамиз. Бу ташриф иккала давлат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш учун негиз яратади.

Ташрифимизнинг мақсади, деди суҳбатнинг охирида Сурия делегациясининг бошлиғи, Сурия Араб Жумҳурияти билан Ўзбекистон ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатишдан, келгусида бу муносабатларни иккала мамлакат халқлари бахт-саодати йўлида янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳақида келишиб олишдан иборат.

(ЎзА).

Ўзаро алоқалар ривожлантирилади

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Р. Ражабов 24 март куни Сурия Араб Республикасининг ташқи ишлар вазири Фаруқ ал Шараа бошлиқ Сурия ҳукумат делегацияси аъзоларини қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида меҳмонлар мустақилликка эришган Ўзбекистонда иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларда рўй берган муҳим ўзгаришлар билан таништирилди.

Суҳбатда Сурия Араб Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

ДИПЛОМАТИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ЎРНАТИЛАДИ

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Сурия Араб Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида битим имзоланди.

Ушбу битимда икки мамлакат ўртасида қўллаб-қувватлаш руҳи асосида муваффақиятли ҳамкорлик қилиш учун зарур замин яратишни назарда тутиш, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг низоми ва принципларига амал қилиш, қонун устунлигини, суверенитет ва мустақилликни, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, ҳуқуқ соҳасида ҳамкорликни ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ўзаро сиёсий, иқтисодий, савдо, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, дипломатик алоқалар тўғрисидаги 1961 йил Вена конвенциясига мувофиқ элчихоналар даражасида дипломатик алоқалар ўрнатиш кўзда тутилган.

Битимни Сурия Араб Республикаси номидан ташқи ишлар вазири Фаруқ ал Шараа, Ўзбекистон Республикаси номидан ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Фотиҳ Тешабоев имзоладилар.

Суриялик меҳмонлар Тошкентнинг ноёб меъморчилик обидаларини томоша қилдилар.

Сурия Араб Республикасининг ташқи ишлар вазири Фаруқ ал Шараа бошлиқ Сурия ҳукумат делегацияси аъзолари 24 март куни кечқурун Туркманистон пойтахти Ашхободга учиб кетдилар.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА махсус мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА ЖОЙЛАШГАН ЧЕГАРА ҚЎШИНЛАРИНИНГ БЎЛИНМАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида» 1991 йил 31 августдаги Қонунга, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув юртлари тўғрисида» 1992 йил 14 январдаги қарорига ҳамда Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлат бошлиқлари кенгашининг 1992 йил 20 март куни Киев шаҳрида чегара қўшинлари хусусида тузилган битимларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси қўриқланишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик хизмати ҳузурида чегара қўшинлари бошқармаси ташкил қилинсин ва Чегара қўшинлари бошқармасининг бошлиғи — Ўзбекистон Республикаси МХХ Раисининг ўринбосари лавозими жорий этилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида жойлашган Ўрта Осиё чегара округи чегара қўшинларининг қисмлари ва бўлинмалари Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ҳузуридаги Чегара қўшинлари бошқармасининг тасарруфига ўтказилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик хизмати (ўртоқ Ғ. А. Алиев) бутун шахсий таркиби, қурол-яроғлари, моддий-техникавий мулки ҳамда бошқа мулклари билан чегара қўшинларининг қисмлари ва бўлинмаларини қабул қилиб олсин.

Бир ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси чегара қўшинларининг низоми, штат тузилмаси ва уларнинг сони белгиланган тартибда ишлаб чиқилиб тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси чегара қўшинларининг ва Мустақил давлатлар ҳамдўстлигида қатнашувчи давлатларнинг чегара қўшинлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва оператив равишда режалаштиришни чегара қўшинларининг бирлашган қўмондонлиги амалга оширади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (ўртоқ Боқибоев), Ўзбекистон Республикаси Тараққиёт истиқболини белгилаш комитети, Ўзбекистон Шартномалар ва савдо давлат акционерлик уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати (ўртоқ Алиев) ўн кун муддат ичида мазкур масалани кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси чегара қўшинларини молиявий ва моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш тартиби тўғрисида республика ҳукуматига таклиф киритсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати (ўртоқ Алиев), Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (ўртоқ Маликов) манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда бир ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг муҳокамасига тақдим этсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тасарруфига ўтадиган чегара қўшинларининг қўмондонлар таркиби Ўзбекистон Республикаси барча ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши кафолатланишини назарда тутиб, шахсий таркибнинг ўз зиммасига юкланган вазифаларни изчил бажаришини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 24 март.

«Давлат тасарруфида бўлмаган ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вазифаларини бажарадиган тузилмаларнинг фаолиятини тақиқлаш ҳамда якка курашнинг жанговар ва Шарқ усулларини ўргатадиган спорт клублари (секциялари) ишини тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига доир

17 март куни республика ҳукуматида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ор-номуси, қадр-қиммати ва қонуний манфаатларини ҳуқуққа зид тажовузлардан ҳимоя қилиш масалалари кўриб чиқилди.

Шу нарса таъкидлаб ўтилдики, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари ҳақида», «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида кооперация ҳақида» қабул қилинган қонунлар фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий эҳтиёжларини таъминлаш учун замин яратди. Бу қонунлар фуқароларнинг фаровонлигини оширишга ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Бироқ ана шу қонунларнинг мақсад ва вазифаларига мос келадиган корхоналар, кооперативлар пайдо бўлиши билан бир қаторда давлат тасарруфида бўлмаган турли хусусий қидирув ва бошқа тузилмалар ташкил этилмоқда. Улар бажарадиган вазифалар қонунларда фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ваколатига киритилган. Фуқароларнинг суҳбатларини махфий эшитадиган ва ёзиб оладиган қурилмаларни ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарни ташкил этишга уриниш ҳоллари учраб турибди.

Якка курашнинг жанговар ва Шарқ турлари усулларини ўргатадиган кўпдан-кўп клублар (секциялар) кенг ривожланди. Уларнинг таркибига ўзларининг жиноий фаолиятини ниқоблаш учун ана шундай клублардан фойдаланаётган турли жиноятчи унсурлар суқилиб кирмоқда.

Давлат тасарруфида бўлмаган ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вазифаларини бажарадиган ана шу тузилмалар фаолиятининг пайини қирқиш ҳамда якка курашнинг жанговар ва шарқ турлари усулларини ўргатадиган спорт клублари (секциялари) ишини тартибга солиш, жамоат хавфсизлигини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш мақсадида тегишли давлат органларига бир ой муддат ичида қонунга хилоф равишда иш о... бораётган ана шундай тузилмаларни рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини тақиқлаш вазифаси топширилди.

• *Биз билган ва билмаган соҳалар*

Ўзбекистон олтини

● Ўзбекистонимиз тупроғини жавоҳирларга тўла санди-ққа қиёс қилгудек. Унинг қаърида турли хил маъданлар, ёнилғи ва қимматбаҳо тошлар яширинган. Менделеев жадвалида қайд этилган қандай бойлик бўлса ҳаммасидан мўл-кўл, муҳайё. Мисдан тортиб руҳгача, кўргошиндан газ ва нефтгача. Аммо қадим-қадим замонлардан бери жавоҳирлар жавоҳири, маъданларнинг гултожи ҳисобланиб келаётган олтин ва кумуш конлари ҳам ниҳоятда бисёр. Зарафшон, Олмалиқ, Ангрен, Маржонбулоқ, Зармитон, Чодак ва бошқа кўп конлар ана шулар жумласидан. Биз илгари рўзномамизда олмаликлик олтинпазларнинг меҳнат ва турмуши ҳақида батафсил ҳикоя қилган эдик. Шундан кейин муштарийларимиздан кўплаб хатлар олдик. Улар етмиш йиллик таъқиқлардан сўнг олтинпазлигимиз юзига ноҳақ тортилган сирли парданинг олиб ташланганлиги, шунча вақтдан бери марказ деб аталмиш юхонинг сира ҳам тўлмас ва тўймас жағилдонига жо бўлиб келган ер ости ва ер усти бойликларимиз энди Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиши, ўзбек халқининг чинакам халқ бўлиб яшаши учун хизмат қилдирилажагидан ғоят миннатдор эканликлари ҳақида дил изҳорини билдиришмоқда-лар. Шу билан бирга ҳар бир хатда шу мавзуни давом эттириб, ўзбекистонлик олтинпазларнинг кундалик турмуши, меҳнат фаолияти, ютуқ ва камчиликлари, муаммоларн ва бу масалалар қандай ҳал қилиб борилаётганлиги тўғрисида мақолалар бериб боришни илтимос қилганлар. Рўзнома таҳририяти ўз муштарийлари истагини бажара бориб, шу ҳақда мақолалар бериш давом эттиришга қарор қилди. Рўзномамизнинг бугунги сонидан бошлаб олтинпазлар ҳақидаги ҳикояларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

(Давомн учинчи бетда).

• «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

МАРҲАМАТ, ҚУЛОҚ СОЛИНГ, ЭШИТГАНЛАР ДАРМОНДА, ЭШИТМАГАНЛАР АРМОНДА!

«Ўзбекистон овози» рўзномаси ота-боболаримиз давр-ларидан элга тўйу томошаларни, фармону янгиликларни эл юртга етказиб келган Жарчилар руҳи олдида таъзим этиб, «Жарчинома» лавҳасини очган.

Хонимлар ва жаноблар, қадрли дўсту ўртоқлар, бира-дарлар:

Жарчилик — қадимий ноёб касблардан.

ЖАРЧИ:

— Тўй-хашамга, маросимларга чорлайди.

— Молу-маҳсулотингизни таърифлайди.

— Ишхонангиз, жамоангизни элга танитади, шуҳра-тингизни оширади.

— Таъзиянгизни етказади.

«Ўзбекистон овози» рўзномасидаги «Жарчи» хизмат-тидан фойдаланинг.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАРНИ ТЎППА-ТЎҒРИ ШУ ЕРГА ОЛИБ КЕЛАВЕРИНГ

Овозингизни бирданига 400 минг киши эшитади.

Ўзбекистон Республикасининг барча шаҳар ва қишлоқларида, Тожикистон, Қозоғистон, Туркманистон ва Қирғизистонда, Америка Қўшма Штатлари, Туркия ва Олмонияда, Англия, Хитой ва Афғонистонда муштарийла-римиз бор.

Яна бир бор эслатиб ўтамиз:

«ЖАРЧИНОМА» ХИЗМАТИНГИЗГА ҲАМИША ТАЙЁР.

Манзилгоҳимиз: Тошкент—83, Ленинград кўчаси 32-уй, 3-қават, 314-хона.
Телефон: 32-55-70.

АЗИЗ ДЎСТЛАР!

ТЕАТР САНЪАТИ МУХЛИСЛАРИ!

Маданият ва умуминсоний қадриятлар Халқ академияси, Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси барча фан арбобларини, «Наврўз-92» анжуманининг қатнашчилари ва меҳмонларини 27 март куни эрта саҳарда Театр арбоблари уюшмасига ташриф буюриб, Халқаро театр куни ва Ўзбекистон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон театрлари анжуманининг очилиши шарафига тайёрланган баҳор сумалагидан тотиб кўришга лутфан таклиф этадилар.

• ПАРТИЯ АХБОРОТИ

РЎЗНОМАГА ЁРДАМ

● ХДП Навбаҳор район ташкилоти район рўзномаси «Навбаҳор тонги»ни бозор муносабатлари даврида иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. Партия ташкилоти рўзномага муассислик қилиш билан бир қаторда, корхона ва ташкилотлардан унинг ҳисобига пул ўтказишга ҳам бош-қош бўлмоқда. Яқинда Халқ демократик партияси район кенгаши иш юритиш бўлими мудири Ш. Калонов аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхонасида бўлиб, жамоа бошланғич партия ташкилоти билан ҳамкорликда давра суҳбати ўтказди. Суҳбат мавзуи юқорида қайд этганимиздек, рўзномани молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга бағишланди. Корхона рўзнома ҳисобига пул ўтказишга қарор қилди.

Шунингдек, корхона ходимлари, ХДП аъзолари Парча Хўжаматова, Раҳмат Боймуродов, Мусо Рўзиев, Манзура Аҳмедова ўз шахсий жамғармаларидан 80 — 100 сўм миқдорида рўзномага моддий ёрдам беришди. Бу хайрли ташаббус районда кенг қулоч ёймоқда.

САФЛАР КЕНГАЙМОКДА

● Конимех районидаги «Шофиркон» давлат хўжалиги бошланғич партия ташкилотида ёшларни партияга қабул қилиш ва улар билан ишлаш намунали йўлга қўйилган. Бу ўринда бошланғич ташкилот котиби Б. Юсуповнинг хизмати катта. Унинг ташаббускорлиги туфайли хўжаликда ХДП аъзолари сони 120 нафардан ошиб кетди. Яқиндагина яна кўплаб ёшлар, сергайрат қўйчивонлар Халқ демократик партияси сафига қабул қилинди. Шунингдек, райондаги «Партия XXV съезди», «Октябрь 40 йиллиги» давлат хўжаликларида ҳам ташаббускор ёшлар ҳисобига ХДП аъзолари сафи кенгаймоқда.

М. ШАРОПОВ,
Навоий вилояти



● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида Гидрометеорология бўйича бош бошқарма ташкил этилди. Бош бошқармага жумҳуриятимиз пойтахтидаги қатор илмий-тадқиқот институтлари ҳамда ҳисоблаш марказлари киритилди.

Суратда: Ўрта Осиё регионал ҳисоблаш марказининг машина залида.

С. ВЕЛИЧКИН олган сурат. (ЎзА).

ҚУРУҚ ТАНҚИДДАН ҚОРИН ТЎЙМАЙДИ

Кейинги йилларда мамлакатда рўй берган воқеалар таъсири остида жамиятимизда янгича тарихий шароит юзага келди. Республикамизда ҳам воқеалар жуда тез ривожланяпти, чинакам демократия сари дадил қадамлар қўйиляпти. Кечагина орзу бўлиб турган кўппартиялилик ҳам бугун воқеликка айланди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Эрк» демократик партияси ва «Бирлик» халқ ҳаракати расман рўйхатга олинди. Бошқа бир қатор сиёсий кучлар ва ҳаракатлар ташкилий жиҳатдан шаклланиш даврини бошдан кечирмоқда.

Табиийки, турли сиёсий кучлар мавжуд экан, улар ўртасида у ёки бу йўсинда сиёсий кураш боради. Аммо ҳозирги вазиятда партиялар ўртасидаги бу кураш ўзаро ихтилофга, уларнинг бир-бирига бутунлай қарама-қарши туришига айланиб кетиши мутлақо мақсадга мувофиқ эмас. Айниқса республикамиз тараққиётининг, халқимиз тарихининг ҳозирги ғоят масъулиятли босқичида бундай ихтилоф жуда зарарли бўлур эди. Шундан келиб чиқиб, биз партиямизнинг дастурий ҳужжатларида белгиланганидек, бошқа сиёсий тузилмалар ҳамда уларнинг вилоятимиздаги ташкилотлари билан ўзаро муносабатларимизни ҳалол мусобақалашув, зарурат туғилганида эса муросага келиш, иттифоқлар тузиш қоидалари асосига қуриш ниятидамиз.

Лекин, афсуски, кейинги пайтда сиёсат майдонига кириб келаётган партиялар ва ҳаракатларнинг айрим вакиллари турли йиғинларда ва матбуотдаги чиқишларида Ўзбекистон Халқ демократик партиясини ноҳақ айблашдан ўзларини тия олмаяптилар. Шу муносабат билан улар илгари сураётган баъзи масалаларга ойдинлик киритиш жоиз, деб биламиз.

Бизга қўйилаётган «айб»лардан бири шуки, гўё «Ўзбекистон Халқ демократик партияси «собиқ Коммунистик партиянинг ўзгинаси» эмиш. Шароит тақозоси билан «тўнимизни алмаштириб олган» эмишмиз. Жумладан, булоқбошилик А. Ғиёсов касаба уюшмалари вилоят бирлашмасининг «Адолат» рўзномасида босилган суҳбатида бизга шундай айб қўйишга уринган. Аввало Ўзбекистон ХДП Компартиянинг ўзи эмас, аслида ўз олдига қўйган мақсадлари, ташкилий тузилиши жиҳатдан ундан кескин фарқ қилишини айтмоқ жоиз. Андаккина, сабр-тоқат билан ХДП ҳамда Компартия Дастурлари ва Низомини қиёслаб чиқилса, бунга тўла амин бўлиш мумкин. Иккинчидан, унинг сафида илгари Компартияга умуман алоқадор бўлмаган янги кишилар ҳам кўп. Жумладан, ҳозиргача ХДПнинг Андижон вилоят ташкилоти сафларида уларнинг сони 5,3 минг кишига етди.

Бундан ташқари бир маслакдаги кишилар ижтимоий турмушда рўй берган жиддий ўзгаришлардан хулоса чиқариб, ўз қарашларини янгиласа, янги уюшмага бирлашса, бунинг нимаси ёмон? Ахир ўз дунёқарашини ўзгартириб, «Эрк» партиясига, Демократик ислоҳотлар ҳаракатига, бошқа партиялар сафига кирган собиқ коммунистлар ҳам бор-ку? Менимча, буни уларга айб қилиб қўйиш адолатдан эмас.

Собиқ КПСС аъзоси, Самарқанд муаллимлар илмгоҳи кафедраси мудири Б. Нормуродов рўзномалардан бирида босилган мақоласида «Ҳеч вақт Ўзбекистоннинг алоҳида Компартияси бўлмаган», ХДП эса КПССнинг вориси, деб исботлашга беҳуда ҳаракат қилган. Холбуки, муҳтарам профессор Ўзбекистон Компартияси 1990 йилда ўз Дастури ва Низомини қабул қилганлигини, у республика сиёсий ташкилоти сифатида расман рўйхатга олинганлигини, шунингдек, ўтган йили КПСС таркибидан бутунлай ажралиб чиққанлигини, Халқ демократик партияси эса ўзини КПССнинг эмас, айнан Ўзбекистон Компартиясининг ҳуқуқий вориси, деб эълон қилганлигини жуда яхши тушунади. Аммо кўра-била туриб, фактларни бошқача талқин қилишдан қутилган мақсад, бизнингча, янги партияни обрўсизлантиришга уринишдан бошқа нарса эмас.

Энди мулкий мерос ҳақида. Бу масалада бизни республика Президенти Фармони билан умумхалқ мулки деб эълон қилинган КПСС мулкини эгаллаб турганликда айблашаяпти. Аммо кўпинча шу Фармоннинг иккинчи банди атайлаб эътибордан четда қолдириляпти. Бинобарин, мазкур бандда КПССнинг республика ҳудудидаги мулкидан фойдаланилишини назорат қилиш халқ ноиблари Кенгашларига топширилган. Шунга мувофиқ халқ ноиблари вилоят Кенгаши раёсатининг ўтган йилги охирги мажлисларидан бирида бу масала кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинган эди. Шу қарорга асосан вилоят партия қўмитасининг биносидан Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши билан биргаликда халқ ноиблари вилоят Кенгаши ва унинг ижроия қўмитаси аппарати ҳам фойдаланадиган бўлди. Вилоят партия қўмитасининг ижтимоий-сиёсий маркази шаҳар маданият уйига берилди. Унинг гаражига вилоят ижроия қўмитаси гаражи кўчиб ўтди.

Бунинг устига қуруқ танқидчиликдан қорин тўйиб қолмайди, ишлар ҳам юришиб кетмайди. Аксинча, таъминот ёмонлашиб, нарх-наво тинмай кўтарилиб бораётган, одамлар турмуши оғир бўлиб турган ҳозирги мураккаб шароитда у фақат кишиларнинг турли ўзаро муросасиз гуруҳларга бўлиниб кетишига олиб келиши мумкин. Ҳолбуки, ҳозирги пайтда турли ижтимоий кучлар республикамизнинг мустақиллиги ҳамда халқ, жамият манфаатлари йўлида ўзаро бирлашиши, ҳамкорлик қилиши ҳар қачонгидан ҳам зарур. Бундан ташқари ҳар бир партиядаги ва ҳаракатдаги мавжуд интеллектуал потенциални бирлаштириб, уни республикамиз равнақини кўзлаб йўналтириш керак. Иқтисодиётни оғир аҳволдан тезроқ олиб чиқишнинг энг муҳим шартларидан бири ҳам ана шундан иборат.

И. А. Каримов республика Президенти лавозимини бажаришга киришиш тантаналари маросимидаги нутқида таъкидлаганидек, «...биз кўппартиялилик замонига ўрганишимиз керак. Бу юз, икки юзта партия дегани эмас, албатта. Қолаверса, мақсад партия-партия бўлиб халқни парчалаб юбориш эмас, аксинча... Нима бўлганда ҳам қиладиган барча ишларимиз халқимизни бирлаштиришга, бир ёқадан бош чиқаришга, ҳамкорлик, ҳамжиҳатликка олиб бориши керак».

Андижонликларнинг тинчлигини, осойишталигини кўзлаб, уларнинг туб манфаатларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон ХДП вилоят ташкилоти сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг вилоят ҳудудидаги барча тузилмалари билан ҳамкорлик қилишга тайёр. Биз мазкур тузилмаларнинг барча вакилларини халқимиз ҳаётининг энг зарур масалаларида ҳамкорликка чақирамиз ва бу даъватимизни вилоятимиздаги ҳамма соғлом фикрловчи кишилар тўғри тушунадилар, деб умид қиламиз.

Н. ШОКИРОВ,
Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгашининг биринчи котиби.

НУҚТАИ НАЗАР

Қалбда ғурур уйғотаётган

ПОЙҚАДАМИНГДАН ЎРГИЛАЙ

Қадим-қадимдан Наврўзни интиқлик билан кутамиз. Бунинг боиси бор, албатта. Айниқса, бу йилги баҳор асрий умидларимиз ғунчалари ниш урган, ғунча тугаётган, гулу мева беришга кўз етиб қолган ишончлар палласи сифатида жамол кўрсатди.

Яқин ўтмишимизда ҳисоботлар тинглаш кенг урф бўлганди. Борингки, ўша одатга кўра, Наврўздан — Наврўзгача ўтган бир йил мобайнида нималарга эришганимизни сал сарҳисоб қилиб кўрайлик.

...Ўтган йил августида Ўзбекистон Олий Кенгашининг сессияси долзарб масалани кўриб чиқди. Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилинди. Ахир, ўйлаб кўрайлик, бу — ҳазилакам аҳду паймон эмас, жумҳуриятимиз аҳолисининг асрий орзуси эди. Анжуман қатнашчилари даврасида бир дақиқа чамаси пашша учса сезилгудай сукунат юз берди. Лекин у узоққа бормади. Бизда, шарқликларда сукут кўпинарсалардан шоҳидлик бериши азалазалдан маълум. Чунки шошилинч бажарилган иш беҳосият бўлади, деган сабоқ бор. Хотиржамлик билан кўрилган тадбир пухта бўлишига кўп мисол келтириш мумкин. Бу — биринчидан, иккинчидан эса Мустақиллик деган катта тарихий воқеани обдон идрок этиш керак эди. Дарвоқе, қўл кўтариб овоз беришдан яқин ўтмишда роса зерикканмиз-ку, ахир.

Масаланинг учинчи жиҳати ҳам бор. Ўзларини ҳанузгача марказий нашр дея калондимоғлик қилиб юрган рўзномаларнинг вакиллари мушоҳада ўрнини босган жимликни нималарга йўймадилар! Эҳтимол, ўшалар «Ўзбекистон мустақилликни хоҳламаяпти» деб ўйлаган бўлсалар ажаб эмас. Бироқ улар чучварани хом санадилар.

Шундан кейин жуда оз фурсатда Ўзбекистон мустақиллигини Ер юзидаги юздан ортиқ давлат танидн. Ўзбекистон мустақил республика сифатида жаҳондаги мўътабар халқаро ташкилот — Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинди. Тенглар ичида тенг давлат қатори жаҳондаги қатор ҳамжиҳатлик ташкилотлари сафидан муносиб ўрин олди.

«Ўзбекистон бизсиз кунини кўролмайди» деган ноўрин кайфиятдан ҳамон қайтмаган «Марказ»даги айрим кимсалар Наврўзолди ҳисоботимиз (агар шундай деб аташ мумкин бўлса)нинг яна бир жиҳатига назар ташлаб қўйсинлар. Пахтамиз валюта топиб беряпти. Ер ости захираларимиздан олтин намунаси Швейцария банкида Ўзбекистон иқтисодий қудратига кафолат сифатида кўз-кўз қилиб турилибди.

Бугина эмас, қадамидан ўт чақнаган Президентимиз Ислом Каримов Мангандаги Мингбулоқ нефть захирасини ўзлаштирувчилар даврасида бўлиб қайтди. Бу қудратли нефть уммонининг айқириб оқиши — ер юзига чиқиш учун шошилиши рамзий маънога эга. Мингбулоқ «қора олтин»и гўё Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига тезроқ ҳисса қўшишга зўр бериб интилаётгандай. Дарҳақиқат бу нефть кони республика иқтисодий қудратини оширишга, шу тариқа юртдошларимиз ижтимоий жиҳатдан қаддини ростлаб олишига катта мадад кўрсатади. Мутахассисларнинг дастлабки хулосаларига қараганда Наманган ер остидаги нефть заҳиралари салмоғи дунёда чўнг деб довруғ қозонган Қувайт «нефть денгизи»дагидан камлик қилмайди деган фикрлар айтилмоқда. Бунинг устига Наврўз арафасида ўзининг мавжудлиги ҳақида ҳайқириқ билан дарак берган бу кон ҳом ашёси сифати юқори баҳоланяпти. Чиқаётган ёнилғининг қарийб ярми бензин, авиакеросин ва соляркадан иборат. Қолган қисми ҳам иқтисодиёт учун яроқли, зарур. Ҳадемай Мингбулоқ — Оқтош оралиғида 15 километрлик нефть қувури барпо этишга киришилади.

Бу — республикамизнинг ер усти ва ер остида «оқу қора олтин» — заҳира сандиқлари мустақиллигимизни қутлаётгандай намоён бўлаётганидан нишона.

Шу эъзозли Наврўз кунларида яна бир далилни таъкидлаш жоиз. Тўғри, қийинчиликлар оз эмас. Наврўз удумига кўра, қалбдаги қониқиш ғурур туйғуларини изҳор этмаслик ҳам мумкин эмас. Тараққиётнинг ойдин йўлига тушиб олаётган Ўзбекистон қадамба-қадам ривожланиш сари юз тутишга умид уйғонмоқда. Асли баҳор умидлар фасли, истиқболга ишонч туйғулари жўш урадиган палла.

Аслида ҳур туғилган Ўзбекистонимиз — юксалишнинг ўзига хос йўлидан бормоқда. Республиканинг тараққиёт йўли бошқалардан андоза кўчириш эмас. Заҳираларимиз —хилма-хиллиги, табиатимиз, тарихий анъана ва урф-одатларимиз ҳисобга олиниб, обдон чамалаб тараққиёт йўналишлари аниқ режалаштирилгани кўнгилни кўтаради. Иқтисодий, демакки ижтимоий одимларимиз дадиллигига жаҳон ҳамжамияти яхши тажрибалари асос қилиб олинаётгани, ўзимизга хос тарзда бу тажрибалардан имкон қадар самарали фойдаланишга интилаётганимиз табриклагулик.

Жумладан, хорижий мамлакатлар маблағи, технологиясини жалб қилган ҳолда республикамиз турли ҳудудларида қўшма корхоналар барпо этиш кенгайиб бораётгани айни муддао бўляпти. Қисқа фурсатда илгари ўзимизда ишлаб чиқарилмайдиган телевизор, термос, бир марта қўлланиладиган тиббиёт шприцлари, жинси газламалар каби тансиқ маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилди.

Гапни мухтасар қиладиган бўлсак, пойқадамингдан ўргилай, Наврўз дегимиз келади. Наврўз мустақиллигимизни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, халқаро майдонда республика, бутун халқимиз обрў-эътиборини ошириш, иқтисодий қийинчиликларни сабр-тоқат, матонат билан енгиб ўтишга умид уйғотмоқда. Умидли дунё деганлари рост бўлсин.

Жўра ХОЛҚОСИМ ўғли.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ БИЛАН ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ЎРТАСИДА ХИТОЙДАН ЎЗБЕКИСТОНГА ТОВАРЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ ЮЗАСИДАН ДАВЛАТ КРЕДИТИ ТЎҒРИСИДА

БИТИМ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси ҳукумати (қуйида «аҳдлашувчи томонлар» деб аталувчилар) тенглик ва ўзаро манфаатдорлик принциплари асосида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Хитой Халқ Республикаси ҳукумати Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига йилига кредитнинг имтиёзли тўрт проценти миқдорида 30 миллион юанга тенг суммада товарлар етказиб бериш учун давлат кредити беради. Товарлар бўйича қийматни ва ҳисоб-китобни белгилаш Швейцария франкларида амалга оширилади.

Ана шу кредит ҳисобидан Хитой Халқ Республикасидан Ўзбекистон Республикасига 1992 йилда мазкур битимда назарда тутилган товарлар етказиб берилади.

2-модда

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Хитой Халқ Республикаси ҳукуматига 1993 йилнинг 1 январидан бошлаб 3 йил давомида мазкур битимда назарда тутилган кредит бўйича асосий қарзни тўлайди. Бунда кредит бўйича асосий қарзнинг умумий суммасидан 1993 йилда — 33 процента, 1994 йилда — 33 процент, 1995 йилда 34 процента тўланади. Кредит бўйича процентлар кредитнинг тегишли қисми фойдалана бошланган кундан бошлаб ҳисобланади ва процент қўйилгандан кейинги йилда тўланади.

Процентлар бўйича сўнгги тўлов кредит бўйича асосий қарзни тўлаш билан бир вақтда амалга оширилади.

Кредитнинг тегишли қисмидан фойдаланиш куни, шунингдек кредитни узиш куни етказиб берувчи мамлакатнинг чегара темир йўл станциясининг коносаменти, штампелидаги кун ёки бошқа тегишли ҳужжатдаги кун ҳисобланади.

Мазкур битимда назарда тутилган кредит бўйича асосий қарз тўлови ва процентлар тўлови мазкур битимга мувофиқ Ўзбекистон Республикасидан Хитой Халқ Республикасига товарлар етказиб бериш билан амалга оширилиб борилади. Ҳар йили етказиб бериладиган товарларнинг аниқ номлари рўйхати уларни етказиб беришдан 3 ой олдин икки мамлакатнинг ваколатли органлари билан келишиб олинади.

3-модда

Ҳар икки мамлакатнинг ваколатли органлари томонидан вакил қилинган Ўзбекистон ташқи савдо ташкилотлари ва Хитой ташқи савдо ташкилоти (дон, ёғ ва озиқ-овқат молларини импорт ва экспорт қилиш Хитой компанияси) мазкур битим имзоланган кундан бошлаб бир ой ичида музокаралар олиб борадилар ва протоколни имзолайдилар. Протоколнинг 1-иловасида Хитой Халқ Республикасидан Ўзбекистонга етказиб бериладиган товарларнинг номлари ва ҳажми санаб кўрсатилади, протоколнинг 2-иловасида Ўзбекистон Республикаси қарзларни узиш ҳисобига, етказиб беради-ган товарларнинг номлари ва ҳажмлари кўрсатилади.

Мазкур протокол ва унинг иловалари ушбу битимнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

4-модда

Мазкур битимда назарда тутилган товарлар нархи икки мамлакатнинг ташқи савдо ташкилотлари томонидан контрактларни имзолаш вақтида тегишли товарларга жаҳон бозори нархлари асосида маслаҳатлашувлар йўли билан белгиланади.

5-модда

Мазкур битимда назарда тутилган товарларни етказиб бериш бўйича контрактлар иккала мамлакатнинг ваколатли органлари вакил қилган Ўзбекистон ташқи савдо ташкилотлари билан Хитой ташқи савдо ташкилоти (дон, ёғ ва озиқ-овқат товарлари импорт ва экспорти бўйича Хитой компанияси) ўртасида тузилади.

6-модда

Аҳдлашувчи томонлар мазкур битимнинг бажарилишини назорат қилишни ўз ваколатли органларига топширадилар.

7-модда

Аҳдлашувчи томонлар мазкур битимни талқин этиш ёки қўлланишга доир низолар келиб чиққан тақдирда уларни дўстона маслаҳатлашув йўли билан ҳал этадилар.

8-модда

Мазкур битим имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва икки томондан келиб чиқувчи мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунга қадар амал қилади.

Битим 1992 йил 13 мартда Пекин шаҳрида икки нусхада, ҳар бири ўзбек ва хитой тилларида тузилди, ҳар иккала матн бир хил кучга эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ваколатига кўра Бош вазир ўринбосари

Раҳим РАЖАБОВ

Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ваколатига кўра Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо вазири

Ли ЛАНЬЦИН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ БИЛАН ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ЎРТАСИДА САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ҲУКУМАТЛАРАРО ЎЗБЕК-ХИТОЙ КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

БИТИМ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси ҳукумати (қуйидаги «аҳдлашувчи томонлар» деб аталувчилар),

Яхши қўшничилик ва дўстлик, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик принциплари асосида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида, қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

1-модда

аҳдлашувчи томонлар қуйида комиссия деб аталувчи савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро ўзбек — хитой комиссиясини таъсис этишга келишиб олдилар.

2-модда

Комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

Иккала мамлакат ўртасидаги савдо иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим ва тегишли шартлашувлар қандай бажарлаётганлигини назорат қилиш ва текшириш;

икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни барқарор ривожлантиришга кўмаклашишга қаратилган таклифларни илгари суриш;

савдо-иқтисодий фаолиятда пайдо бўлиши мумкин бўлган масалаларни ҳал этишга ва ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларни кўриб чиқиш.

3-модда

Комиссия аҳдлашувчи томонларнинг ҳар биридан келишилган ҳолда тайинланган раислардан, аъзолардан ва котиблардан иборат бўлади. Зарур ҳолларда томонлар комиссиянинг навбатдаги мажлислари ишида қатнашиш учун тегишли шахсларни жалб этишлари мумкин.

Комиссиянинг мажлислари Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикасида навбати билан ўтказиб турилади. Мажлис чақириш ва унинг кун тартиби тўғрисида томонлар олдиндан шартлашиб оладилар.

4-модда

Зарур бўлган ҳолларда ва томонлар раисларининг ўзаро келишувига мувофиқ комиссия ўзига бўйсунувчи ишчи органларини тузиши мумкин.

Мазкур битим имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 5 йил давомида амал қилади. Аҳдлашувчи томонлардан бири мазкур битимнинг амал муддати тугашидан олти ой аввал уни бекор қилиш тўғрисидаги ўз хоҳиши ҳақида ёзма равишда бошқа аҳдлашувчи томонга мурожаат қилмаса, унинг амал муддати ҳар гал ўз-ўзидан кейинги беш йилга узайтирилади.

Битим 1992 йил 13 мартда Пекин шаҳрида икки нусхада, ҳар бири ўзбек ва хитой тилларида тузилди, ҳар иккала матн бир хил кучга эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ваколатига кўра Бош вазир ўринбосари

Раҳим РАЖАБОВ

Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ваколатига кўра Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо вазири

Ли ЛАНЬЦИН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ВА ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ЎРТАСИДА ЎЗАРО АНГЛАШУВ

ПРОТОКОЛИ

Ҳар икки мамлакат ўртасидаги яхши қўшничилик ва дўстлик, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик принципларига асосланган савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси ҳукумати, қуйида аҳдлашувчи томонлар деб аталувчилар,

1. Ўзаро англашувга эришдилар ва 1992 йилнинг январигача биринчи аҳдлашувчи томоннинг ҳудудида амалга оширилган иккинчи аҳдлашувчи томоннинг капитал маблағларини ҳимоя қилиш мажбуриятини олдилар.

2. Мазкур баённома 1992 йилнинг 13 мартида имзоланган Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ўртасидаги капитал маблағларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Битим 1992 йилнинг 13 мартида Пекин шаҳрида икки нусхада ўзбек, хитой ва рус тилларида тузилди, ҳар учала нусха матни ҳам бир хил кучга эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан Бош вазир ўринбосари

Раҳим РАЖАБОВ

Хитой Халқ Республикаси ҳукумати номидан ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо вазири

Ли ЛАНЬЦИН

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ — ЎЗА БИЛАН ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СИНЬХУА ДАВЛАТ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ЎРТАСИДА АХБОРОТЛАР АЙИРБОШЛАШ ВА ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

ПРОТОКОЛ

Ўзбекистон Республикасининг Тошкент шаҳрида жойлашган Ўзбекистон Миллий ахборот Агентлиги билан Хитой Халқ Республикасининг Пекин шаҳрида жойлашган Синьхуа давлат ахборот агентлиги (бундан кейин «томонлар» деб аталади) ўзбек-хитой муносабатларини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшиш мақсадида ахборотлар айирбошлаш ва ҳамкорлик тўғрисида ушбу протоколни имзоладилар.

1-модда

Томонлар муштарак асосда ва ҳақ олмай ахборотлар ва фотосуратлар айирбошлашни кафолатлайдилар.

2-модда

Томонлар бир-бирларидан олинган ахборотларни ва фотосуратларни ўз мамлакатларининг оммавий ахборот воситаларида тарқатиш ҳуқуқига эгадирлар.

3-модда

Ахборотлар ва фотосуратларни тарқатишда томонлар хабарлар ва суратларнинг ҳақиқий манбаларини кўрсатиш ва ҳақиқий маъносини сақлаб қолиш мажбуриятини зиммаларига оладилар.

4-модда

Томонлар бошқа томонларнинг доимий аккредитация қилинган мухбирларига ёрдам кўрсатадилар.

5-модда

Томонлар муштарак асосда ва ўзаро келишилган ҳолда тажриба айирбошлаш ёки ҳар икки мамлакатнинг ҳаётини ёритиш мақсадида тенг миқдорда журналистлар ва техник ходимларни таклиф қиладилар. Қабул этувчи томон ўз мамлакатида қилинадиган барча чиқимларни ўз зиммасига олади, бир мамлакатдан бошқа мамлакатга бориш чиқимлари бундан мустаснодир.

6-модда

Ахборот айирбошлашда томонлар ҳозирги замон техник воситаларидан фойдаланадилар ва бир-бирларига имконлари борича ёрдам берадилар.

7-модда

Ушбу протокол имзоланган кундан кейин кучга киради. Протоколнинг амал қилиш муддати икки йил. Башарти, томонлардан бири протоколнинг амал қилиш муддати тугашидан уч ой олдин унга ўзгартиш киритиш ёки уни бекор қилиш истагини ёзма шаклда билдирмаса, ушбу протокол ўз-ўзидан яна икки йил мобайнида кучида қолади.

Ушбу протокол 1992 йил 13 мартда Пекин шаҳрида икки нусхада ўзбек ва хитой тилларида тузилди, ҳар иккала нусха матни бир хил кучга эга.

Синьхуа Давлат ахборот агентлиги номидан Бош директор Мурод МУҲАММАД ДЎСТ

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги номидан Бош директор ўринбосари Пан БИНАНЬ.

• *Биз билган ва билмаган соҳалар*

Ўзбекистон олтини



● Корхона бош инженери Д. Қурбонов билан ишлаб чиқариш бўйича директор муовини Т. Раббимов.

1. Маржона булоқлари

Жиззах вилоятидан Самарқандга қираверишдаги катта йўлнинг ўнг қанотида, Ғаллаорол районининг шундоққина биқинида Ғўбдин деб аталмиш тоғлар бор. Ана шу тоғларнинг ёнбағрида Маржон деган кичкинагина қишлоқ жойлашган. Одамлари ниҳоятда дилбар, меҳмондўст, ҳушрўй, юзлари нақш олмадек қип-қизил, табиатан мард тоғликлар... Тоғ чўққисидан разм солгудек бўлсангиз, қишлоқдаги уйлар худди маржондек тизилиб кетган.

Шу ерда, тоғ ёнбағрида бир этаги чўлга уланиб кетган, чексиз-поёнсиз қир-адирларда биз Маржонбулоқ ҳақидаги гўзал бир афсонани эшитдикки, оддий чўпон Карим отанинг бу ҳикоясида қишлоқнинг қутлуғ номи шу ердаги олтин конлари номи билан уйғунлашиб кетгандек бўлди назаримизда. Ва ушбу ҳикоя бизга афсона эмас, балки ҳақиқатдек, кейинги йилларда бу ерда содир бўлган воқеалар ана шу афсонанинг ҳаётдаги давомидек туюлди.

...Тоғдан нам, совуқ шамол эсиб, яланғоч қояларнинг ўйчан куйларини, мўрт, яккам-дуккам дарахтларнинг шовуллашини чўлга учириб олиб кетарди. Баъзан шамол ҳуруж қилиб қуриган ва бужмайган ҳас-чўпларни гулханга келтириб улоқтирар, оловни ёлқинлатиб елпиб ўтарди. Орқа томонимизда бошига қордан салла ўраган, паҳлавонлардек юксакликларга қад ростлаган Ғўбдин тоғи, олдинда эса кўз илғаганча поёнсиз чўл ястаниб ётибди. Баҳор майсаларидан гиламлар тўшалган қир бағрига ёйилган қўй-қўзиларга кўз тикканича Карим ота шамолнинг совуқ эпкинига парво қилмай гулханга бағрини бериб ёнбошлаб ётар, биз билан суҳбат ипини узгиси келмай, гапга гап улаш умидида ора-чора сўраб ҳам қўярди:

— Шундай қилиб Маржонбулоқ ҳақида ёзамиз денглар? Яхши ўйлабсизлар. Майли, ёзинглар. Халқ дунёда Маржонбулоқ деган жой ҳам борлигини билиб қўйсин.

У гулхан бағридан тошиб-тошиб қайнаётган қумғонига бир чимдим чой солиб дамларкан, жилмайганча гапида давом этди:

— Маржонбулоқ деган сўзнинг ўзи қаердан келганини ҳеч эшитганмисизлар? Йўқми? Бўлмаса қулоқ солинглар. Мен ҳам бу ҳикояни бувамдан, у эса ўз бувасидан эшитган. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ҳикоя бу.

У чойни босиб-босиб шопирди-да, пиёладан бир хўплаб узоқ сукутга кетди. Қўзининг ингичка қилиб маърагани эшитилди. Нарироқда чўзилиб ётган бўрибосар бошини кўтариб подага тикилиб турди-да яна чўкди.

— Эшитгандирсизлар, ҳув анови тоғнинг этагида Маржон деган қишлоқ бор. Каттагина қишлоқ. Қадим замонларда ана шу ерда Чўпонали деган подачи яшаган. У ўзи сингари камбағал оиладан чиққан гўзал Маржона деган қизга кўнгил қўйиб уйланибди. Қиз ҳам уни қаттиқ севаркан. Худди узукка кўз қўйгандек бир-бирига жуда ҳам мос тушибди. Чўпонали кун бўйи халойиқнинг молини боқар, Маржона эса уй юмушлари билан банд бўларкан. Уларнинг бир-бирига севгиси шу қадар кучли эканки, орадан бир неча йил ўтса ҳам чимилдиқдан энди гина чиққан куёв ва келиндек ҳали ҳам бир-бирига жуда хумор экан. Уларнинг меҳр-муҳаббатига бутун қишлоқ ҳавас билан қараркан...

Аммо камбағалнинг ови юрса ҳам дови юрмайди, деганлари рост. Маржона бир куни чашмадан кўзасини тўлдириб сув келтираётганида шамоллаб, хасталаниб ётиб қолибди. Кўп ўтмай бутун бадани аланган оташ бўлиб ёнибди. Чўпонали ўзини қаерга қўйишга жой тополмай, қўни-қўшни қишлоқларда қандай табиб бўлса, ҳаммасини олиб келиб Маржонани кўрсатибди. Аммо фойдаси бўлмабди. Маржона ёниб тугаётган шамдек кун сайин сўлиб бораверибди. Вужудини ёндираётган аланган-оташ азобидан куни битаётганига кўзи етиб бечора аёл гапиришга ҳам мадори қолмай Чўпоналидан нигоҳларини узмай, унга термулиб ётганида йўловчи бир табиб эшикни тақиллатиб кириб келибди-да, ҳол-аҳвол сўрашгач, Маржонанинг томирини ушлаб дебди:

— Олтин эриган сув даво беморга. Тезроқ топиб келтир уни, бўлмаса аёлингдан ажраб қоласан.

Камбағалда олтин нима қилсин, олтин топгани билан уни сувда қандай эритади. Чўпоналининг хуши учиб яна атрофдаги қишлоқларда яшаётган йилқичилар эшигига бош уриб борибди. Бироқ «ол манави олтинни» деган одам топилмабди. Бечора яна кулбасига қайтиб Маржонанинг ҳаёт сўниб бораётган кўзларига тикилибди-ю умидсизликдан кўкка қараб нола қилибди:

— Эй, парвардигор, ўзинг шафқат қил, агар якка-ю ёлғиз жуфти ҳалолимни кўп кўргудек бўлсанг, мана менинг ҳам жонимни ол. Маржонасиз ҳаёт мен учун ҳаром...

Ана шунда Чўпоналининг қулоғига ғойибдан бир овоз эшитилгандек бўлибди:

1. Маржона булоқлари

— Эй, бандаи мўмин, қўлингга мисранг олиб қоятошнинг остига туш. Уни шундай ургинки, тошлар майда-майда бўлиб кетсин. Чўпоналининг соф пўлатдан қуйилган катта чўнг мисранги бўларкан. Шуни олибди-да, қишлоқ этагидаги қоятошнинг тагига бориб уни қулочкашлаб шундай урибдики, тош қоқ ўртасидан иккига бўлиниб кетибди. Қоятош қўниб турган тоғ бир-икки чақирим тубигача дарз кетиб, ер остидан тип-тиниқ булоқ отилиб чиқибди.

— Шу сувдан Маржонага ичир, шифо топади, — деган овоз келибди яна ғойибдан.

Чўпонали ҳовучини тўлдириб уйига югурибди, Маржонанинг қуриб-қовжираган лабларига аста тутибди. Сув тўкилиб аёлнинг бўйнидаги маржонлари ҳам хўл бўлибди. Бемор бир-икки қултум ичгач, юзларига қизил югурибди. Аста-секин қувватга кириб, кўп ўтмай ўрнидан ҳам туриб кетибди. Ана шунда Чўпоналининг кўзи унинг бўйнидаги маржонига тушиб ҳайрон қолибди: булоқ суви теккан оддий шиша маржон олтиндек ярқирармиш. Ана шундагина булоқ суви оддий сув эмас, олтинли сувлигини, мисранг билан қоя тошга урганида тоғ дарз кетиб, неча-неча замонлардан бери ер қаърида олтинни ювиб ётган сув ана шу ёриқдан йўл топиб отилиб чиққанини тушунибди...

Карим ота жим бўлди. Ўчаётган гулханга қўй-қўзилар бирин-кетин яқинлашиб келишарди. Ота шох билан гулхан бағрини титиб яна аланга олдирди.

— Ана ўшандан бери қишлоқнинг номи Маржон деб аталадиган бўлди. Халқ эса шу ерларда олтин борлигини Чўпоналининг мисранги кўзини очган булоқ сувидан билиб олди. Ана энди хув анави шаҳарни нега Маржонбулоқ деб аташганини билдиларингми?

Унинг шундай ном олганини биз яхши билардик. Билардиккина эмас, ана шу шаҳар пойдеворига дастлабки ғишт қўйиш маросимида иштирок этган одамлар билан ҳам суҳбатлашгандик.

...Ғаллаорол қидирув экспедициясининг йиллар бўйи олиб борган текшируви ўз натижасини берди. Тоғ жинслари олтин ва кумушга бойлиги, уни қазиб олишга тўла яроқли эканлиги аниқланди. Афсонавий Чўпоналининг чўнг мисранги зарбидан ҳосил бўлган қоялар дарзидан сирқиган олтин зарралари 1976 йил баҳорида тилла бойчечаклар бўлиб ер юзига униб чиқди. Бу Ўзбекистон учун жуда катта воқеа бўлди. Шу ерда олтин бойитиш фабрикаси ва шаҳарча пойдеворига биринчи ғишт қўйиш муносабати билан бўлиб ўтган митингга Шароф Рашидов ҳам ташриф буюрганди. Бу ёғи Жиззах ва Ғаллаорол, у ёғи Самарқанд ва Жомбойдан тўпланган халойиқ олдида яхши ниятлар билан нутқ сўзлаб, шу ерда қад ростлайдиган олтинпазлик корхонасининг порлоқ келажаги ҳақида башорат қилганди.

— Шу ерлик чўпон ва ғаллакорларнинг ҳозирги авлоди ер қаъридан қазиб олинган маъданлардан мўл-кўл олтин эритиб чиқарадилар. Уларнинг ўғил ва қизлари эса олий ўқув юртларини битириб, йирик мутахассис бўлиб ишлайдилар. Мана шу қир-адирларда янги шаҳар бунёд бўлади. У ерда кўп қаватли бинолар, боғча ва мактаблар, ишлаб чиқариш корхоналари, хизмат кўрсатиш ва соғлиқни сақлаш муассасалари ишлайдиган бўлади. Ҳозир булоқлардан сув ичаётган одамлар водопровод сувини истеъмол қиладилар. Хонадонларда электр нури чарақлаб, ўчоқларида газ ёнадиган бўлади...

Умри қўй-қўзилар ортида ўтган, қора қозонини тезак ва чўп-чор билан қайнатган Маржон ва Ғўбдинлик оқсоқоллар худди Чўпонали билан Маржона ҳақидаги ҳикояни қайта эшитаётгандек бу гапларга ишонишларини ҳам, ишонмасликларини ҳам билмай қолдилар. Ишонмай десалар тумонот одам тўпланиб, бўлажак шаҳар билан фабрика пойдеворига ғишт қўйишяпти. Республиканинг раҳбари Шароф Рашидовнинг ўзи келажак тўғрисида таъриф-тавсиф қиляпти.

— Болам, — деди сўз сўраб қўлини кўтарганича одамларнинг орасини ёриб келаркан, шу йиғинда иштирок этаётган Карим ота. — Болам, худоё умрингдан барака топгин, бизга худди жаннатий ҳаётни таърифлаб бергандек бўлдинг. Шунинг учун ҳам раҳмат сенга. Оллоҳнинг ўзи ҳаммамизни ўша кунларга етказсин. Ўша ҳаётни бирров кўрсам дунёдан армонсиз кетардим... Энди эса сендан илтимос қиламиз, қуриладиган мана шу шаҳарга ўзинг ном топиб бергин. Нима деб атайлик уни?

— Жуда чиройли афсонангиз бор, уни кўп марталаб эшитганман, — деди Шароф Рашидов оқсоқол билан омонлашаркан. — Бугун ниятларга етиладиган, орзулар ушаладиган кун. Маржонликлар яратган афсона энди ҳақиқатга айланаётган экан, бунёд бўлаётган бу шаҳарнинг номини Маржонбулоқ деб атайлик. Токи, унинг тиллолари булоқдек қайнаб турсин. Бир вақтлар Чўпоналининг чўнг мисранги зарбидан отилиб чиққан чашма суви Маржонага шифо бахш этганидек, Маржонбулоқнинг тиллолари халқимизнинг турмушини фаровон ва обод этишга ярасин...

Кенг майдон бир зум сукутга чўмиб, кейин бирдан қарсак садолари гуриллади. Митингга тўпланганлар республика раҳбарининг таклифини қўллаб-қувватладилар. Оқсоқоллар хайрли ишга ривож тилаб, фотиҳага қўл очдилар.

Рафиқ ТУРСУНОВ,
Тўхтамурод ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

(Давоми бор).





СУРАТЛАРДА: 1. Маржонбулоқ шаҳарчаси. 2. Олтин саралаш фабрикаси пойдеворига биринчи ғишт қўйилиши муносабати билан ўтказилган митингдан сўнг бўлажак Маржонбулоқ шаҳри ёнига ўрнатилган ёдгорлик тош.

С. МАҲКАМОВ олган суратлар.

ТАНИШИНГ: «ХАБАР»



Наврўз шодиёнаси Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги жамоаси учун ғоят қувончли келди. Шу куни вазирликнинг ҳафталик нашри «Хабар»нинг биринчи сони босмадан чиқди. Космик асримизда замонавий фан-техника ютуқлари билан қуролланган алоқа хизматининг аҳамияти беқиёсдир. «Хабар» бу соҳа ҳаётининг барча жабҳаларини чуқур, ҳаққоний ва холисона ёритишга бел боғлаган.

Рўзноманинг махсус мухбирлари Турсун Али Акбаров ва Юсуф Расул Туркиянинг «Телеташ» акционерлик ширкати мухандиси Мустафо Созин билан суҳбатлашдилар. Ширкат мухандиси ўз ишлари, режалари ҳақида Ўзбекистон республикасида алоқа хизматининг янада юксалишига кўрсатилган ёрдам ҳақида ҳикоя қилади.

«Қадрият», «Мерос», «Афандининг ҳуржуни» рукнлари остида чоп этилган мақолалар ҳам муштарийларда катта қизиқиш уйғотади.

Ёзганинг нуқул хушхабар бўлсин, «Хабар»!

• *Янгиликдан чўчимайлик*

ШАХСИЙДАН УМУММАНФААТ САРИ

● Ҳозирги пайтда, халқ хўжалигининг айрим тармоқларини хусусийлаштириш, қишлоқларда фермер хўжаликларини ташкил этиш каби хўжалик юритишнинг янги шакллари афсуски, турли тўсиқларга дуч келаётир. Айрим жойларда ҳали ҳам янгиликдан чўчиш, журъатсизлик, қуйидан чиққан ташаббусларга лоқайдлик сингари иллатлар мавжуд. Паркент районидаги «Бўстон» давлат хўжалиги ижарачиси ва фермери Эргаш РАЖАМАТОВ билан мулоқотимиз шу хусусда ўтди.

— Менимча, сиз турмушда кўп азият чеккан кишиларга ўхшаб кетасиз. Балки мен адашаётгандирман?

— Ажабланадиган жойи шундаки, мен кўп йиллардан бери ўз шахсий манфаатим учун елиб-югурмадим. Ўзимга ўхшаган, оғир меҳнатдан силласи қуриганлар мушкулини енгил қилиш — асосий мақсадим эди. Лекин расмиятпараст, қоғозбоз амалдорлар тўсиғидан нарига ўтолмадим. Гап шундаки, бундан беш йил муқаддам оилавий пудрат ҳақида ҳукумат қарорлари чиқа бошлади. Мен бундай иш усулини анчадан буён кутаётганим учун биринчилардан бўлиб пудратчилар сафига қўшилдим. Кейин кооператив усулда ишлашга рухсат этишларини сўраб, совхоз маъмуриятига, сўнгра район, вилоят ташкилотларига мурожаат қилдим. Натижа бўлмади. Охири, республика собиқ Компартияси Марказқўмига ариза билан шикоят қилдим. Ниҳоят, мени тушунишди. Ижарага 30 гектар ер ажратиб беришди.

— Кейин ишларингиз юришиб кетгандир.

— Унчалик эмас. Оила аъзоларим билан бизга ажратилган ерда ишладик. Ахир, биз деҳқон халқи ерсиз туролмаймиз. Дастлабки йили 48 тонна картошка, 12 тонна арпа, 15 тонна буғдой, шунчадан кўпроқ беда, 9 тонна сомон, 21 тонна пиёз топшириб, давлат буюртмасини ортиғи билан бажардик. Жами 25 минг сўмдан зиёд маҳсулотни давлатга сотдик. Оиламиз мисолидаги ижара пудратининг самараси яна амалпараст раҳбарларга ёқмади. Лекин барибир мен ютиб чиқдим. Давлатдан 41 минг сўм қарз олдим. Унга яна йигирма минг сўм қўшиб, турли маркадаги бешта трактор, учта прицеп, иккита юк автомашинаси ва бошқа қишлоқ хўжалик техникасини сотиб олдим. Бу осонликча бўлмади. Ҳужжат кўтариб бормаган жойим қолмади. Ва, ниҳоят, фермер хўжалигига асосланган қишлоқ хўжалик кооперативини тузишга эришдик. Курашда ғолиб чиққанимиз шарафига уни «Ғалаба» деб атадик. Ҳозир жами 31 гектар еримиз бор. Леки у йил бўйи экин экилавериб мадори кетган. Устига-устак 20 гектар ернинг захини қочириш, қолган қисмини текислаб, сув чиқариш керак. Бу тадбирлар катта харажат талаб қилади.

— Изингизда ана шу «сансалор»ларни ишонтира оладиган, айтайлик, фермерлик ҳаракати бизда яқиндагина бошланди. Бу борада чет мамлакатлар тажрибасига суянниб иш кўриш мумкинлиги тўғрисида маълум фикрлар туғилмаганмди?

— Шундай фикрлар бор эди. Бу тўғрида мен жуда кўп жойда гапирганман. Бу борада кўп китобу жаридалардан ўқиб, баъзи нарсаларни билиб олганман. Масалан, Америкада уч хил фермер хўжалиги мавжуд — катта, ўрта ва майда фермерлар. Биринчи тоифа фермерлар — катта ер эгалари. Улар ерни ҳайдашдан тортиб, то ҳосилни сотишгача, уни қайта ишлашгача ҳаммасини ўз кучи билан бажарадилар. Ўрта деҳқонлар ҳам ўз кунларини ўзлари кўрадилар. Кўпчиликни ташкил этадиган майда фермерларда эса техника воситалари йўқ. Улар асосий ишларни қишлоқ хўжалик кооперативларига ёрдамида амалга оширадилар. Масалан, айтайлик, кооператив уларга техника воситалари, уруғлик, ўғит етказиб беради. Тайёр маҳсулотни келишилган нархда сотиб олиб, реализация қилади. Турли ташвишлардан ҳоли деҳқон эса фақат ерни парвариш қилади, унумдорлигини оширади. Голландияда эса майда фермерликдан ўрта фермерликка ўтиляпти. Сифати тез бузиладиган (гул, сабзавот ва ҳ.к) маҳсулотлар ким ошди савдоси билан сотилади. Хўжаликлар механизациялаштирилган. Юзлаб хусусий фермер хўжаликларини фермерлар уюшмаси бошқаради. Ҳукумат уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб туради. Бизда эса аппаратчилар ҳаддан ташқари кўп. Айтайлик, уруғ учун бошқа ташкилот, маҳсулотни сақлаш учун яна бошқа бир ташкилот жавоб беради. Фермер тўла мустақил эмас. Шу боис айрим иқтисодий қолоқ давлат ёки жамоа хўжаликларини кооперативларга тезроқ айлантириш вақти келди, деб ўйлайман. Табиийки, бундай шароитда ҳар бир фуқаро ўзининг бугунги ва эртанги моддий аҳволини ўйламасдан иложи йўқ. Демак, унинг нормал ҳаёт кечириши учун дастлаб шахсий манфаати юзага чиқади. У агар ер, мулкка эга бўлса кўпроқ, сифатлироқ, рақобатга бардош берадиган маҳсулот ишлаб чиқаради. Жамоа хўжалигидан фарқли ўлароқ нобудгарчиликка йўл қўймайди. Битта михни ҳам назаридан қочирмайди.

Ўрни келганда бир мисол келтирмоқчиман. Бурноғи йили хўжаликлардан бирида 150 тонна уруғлик картошка музлаб қолди. Хўш, кейин нима бўлди, дерсиз. Деярли ҳеч нарса. Акт тузилди. Кимгадир хайфсан берилди, вассалом. Шу йили бизнинг оилада эса 20 тонна уруғлик картошка қопларга жойланди, устидан пленка, тўл ёпилди. Кейин яна плёнка тортдик. Экиш пайтигача бир дона картошка ҳам музламади. Мен биргина картошкачиликдангина мисол келтирдим, холос.

— Сизнингча, бир қолоқ хўжаликни хусусийлаштиришга киришилди ҳам дейлик. У тақдирда фермер бўладиганлар сони кўпайиб кетиб, ер етмай қолиш хавфи пайдо бўлмасмикин?

— Гапингизда жон бор. Лекин шу хўжаликда узоқ йил ишлаб, синовдан ўтган, чорвачилик ва деҳқончиликнинг миридан-сиригача биладиган лаёқатли кишиларгина фермер бўлишлари керак, деб ҳисоблайман. Акс ҳолда ер четдан келган сайёр — бойвачча «деҳқонлар» қўлига ўтиб кетиши мумкин.

Юқорида эслатиб ўтганимдек, мен бирон-бир қолоқ, жамоа ёки давлат хўжалигини кооперативга айлантириш керак, деб ўйлайман. Кооператив техникаси воситаларини, уруғлик ва фермерлар эҳтиёжини қондирадиган жуда кўплаб бошқа нарсаларни ўз қўл остида бирлаштириши, фермердан маҳсулот сотиб олиб, уни қайта ишлаши мумкин. У деҳқонлар билан шартнома асосида иш олиб боради. Шунингдек, кооператив давлат ташкилотларига ҳам маҳсулот сотиш ёки айирбошлаши, фирма дўконларини очиши, турли қурилиш ишларини амалга ошириши мумкин. Кооперативнинг ташкил этилиши, биринчидан, бошқарув аппаратини йўқ қилади. Деҳқон буйруқбозликдан халос бўлади. Фермерлар билан кооператив ўртасида тенг-ҳуқуқлилик принциплари вужудга келади. Иккинчидан, иш ҳақининг камлиги сабабли турли касбдагиларнинг сайёр деҳқонларга айланишига чек қўйилади.

Яна бир фикр: агар фермернинг ўзи техника сотиб олса-чи? Мен ўз мисолимда шуни айтишим мумкинки, фалон пулга олган шунча техника воситаларини йил бўйи ишлатолмайман. Масалан, ҳайдов тракторида ер ҳайдаб бўлингач, у бошқа пайт бекор туради. Ҳосилни йиғиштириб оладиган машина ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Агар бу юмушлар кооператив измида бўлса, бир фермердан кейин бошқаси фойдаланишига имкон яратилади.

— Одатий савол: Режаларингиз қандай?

— Ота-боболаримиз орзу қилган замонга эндигина қадам қўя бошладик. Мустақиллик асрий орзуимиз эди. Энди уни мустаҳкамлаш йўлида ҳаммамиз бир тан, бир жон бўлиб ҳалол меҳнат қилсак, дейман. «Ғалаба» кооперативига аъзо бўлган умр йўлдошим — Гулжаҳон Шойқулова, ўғилларим — Содиқ, Нигмат, Собир, қизларим — Дилдора, Озодаой билан кузда саккиз гектар ерга буғдой экдик. Баҳорда 8 гектар майдонга беда, 5—6 гектар ерга полиз экинлари, озуқа лавлаги, маккажўхори экмоқчимиз. Халқимизда мол боқишдан аввал охурига қара, деган нақл бор. Биз ҳам шунга амал қиляпмиз. Энди заҳирадаги озуқадан кўнглимиз тўқ. Шу боис 80—100 бошга мўлжалланган молхона қурамиз. Лекин мол сотиб олиш учун пулимиз етмайди. Ким бизга ёрдам беради? Президентимизнинг фермерларнинг ўзларини тутиб олгунларича ҳамма солиқлардан озод этилиши тўғрисидаги фикрлари айни муддаодир. Илтимосим — банк бизга кредит берсин. Шунда ишларимиз юришиб кетади. Шунда деҳқончилик йўли билан иқтисодий танг аҳволни юмшатишга қўшадиган ҳиссамиз баракали бўлади.

Суҳбатдош
Абдунаби МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Кўклам — меҳнат билан кўркам*

ХАЙРЛИ ДАЪВАТ

Хоразмда шу йилнинг 10 мартидан 10 апрелигача бўлган давр «Янги боғ ва узумзорлар барпо этиш, кўчат ўтказиш ойлиги» деб эълон қилинди. Бундай тадбир биринчи марта умумхалқ ҳашари тарзида ўтказилаётгани деҳқонлар ғайратига-ғайрат қўшмоқда. Бу йил кўчат ўтказишда сифатга ҳам, экиш агротехникаси қонун-қоидаларига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳар бир кўчат аниқ ҳисоб ва эътиборга олинмоқда. Вилоятнинг Шовот ноҳияси соҳибкорлари амалдаги кўкаламзорлаштириш ойлигида ҳатто ҳар бир гўдак учун ҳам 10 тупдан мевали кўчат ўтказишяпти. Муҳими бундай ҳайрли даъват бошқа ноҳиялар ва хўжаликларда ҳам қўллаб-қувватланаётгани диққатга сазовор.

— Шу кеча-кундузда ишчи-хизматчиларимизнинг қўлиқўлига тегмаяпти, — дейди мамнунлик билан Хоразм мевали кўчатлар етиштириш давлат хўжалиги директори Сотим Болтаев. — Кўчатга бўлган бу йилги талаб шу қадар кескинки, ҳатто санаб сотишга зўрға улгураяпмиз.

Давлат хўжалиги Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли бўлиб, бу ерда етиштирилаётган мевали, манзарали, энг муҳими, районлаштирилган юқори навли кўчатларга бўлган талаб чиндан ҳам ҳар йилгидан катта. Бу ерда йилига бир миллион дона кўчат етиштирилиб, вилоят хўжаликлари, корхоналар ҳамда шахсий хонадон боғдорчилигини ривожлантириш тадбирлари учун сотилади. Ана шу мақсадда ўтган беш йилда беш миллион донага яқин кўчат етиштириб сотилди. Бу тадбир воҳа боғдорчилигини ривожлантиришга сезиларли ҳисса бўлиб қўшилди. Совхоз жамоаси мавсумда ҳар йилгидан 100 минг дона кўп кўчат етказиб беришга азму қарор қилган.

Умуман, бу йилги кўкаламзорлаштириш ойлигида Хоразмда барпо этиладиган янги мевазор боғларнинг ўзи камида минг гектарни, узумзорлар эса 200 гектардан кўпроқни ташкил этади. Бу тадбирнинг яна бир диққатга сазоворлиги шундаки, жумҳуриятимиз мустақиллиги йилида бунёд этилаётган бу янги боғ ва токзорлар умумхалқ ҳашари йўли билан яратилмоқда. Бунн олқишламоқ керак!

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАҲРИРИЯТДАН: Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат деҳқончилик корхоналарига моддий ёрдам бериш ва уларнинг хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Унда бозор муносабатлари шароитида барча давлат деҳқончилик корхоналарининг рентабелли ишлашини таъминлаш, қишлоқда хилма-хил мулкчилик шаклларини — ижара, деҳқон (фермер) хўжаликларини ҳамда бошқа хўжаликларни жадал ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш юзасидан дарҳол чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида аниқ йўл-йўриқлар берилган. Бизнингча, суҳбатда кўтарилган масалалар ҳам ана шу қарор руҳи билан суғорилган.

Оддий фермер билан мухбиримизнинг суҳбати ҳали жойларда қишлоқ хўжалиги соҳасида янги иш усулларини жорий этишда кўплаб тўсиқлар мавжудлигини кўрсатади. Бугундан бошлаб «ЯНГИЛИКДАН ЧЎЧИМАЙЛИК» рукнини ташкил этдик. Сизларнинг фикр-мулоҳазаларингиз, таклифларингизни кутамиз.

ҲИКМАТ САДОЛАРИ

Абдулла ОРИПОВ
Ўзбекистон халқ шоири.

(ШУ НОМЛИ КИТОБДАН)

ПАҲЛАВОН

Бир суҳбат чоғида Ҳазрат пайғамбар
Ўртага ташлади савол ногаҳон.
Айтдилар: — Зарурат туғилса магар
Кимни атардингиз асл паҳлавон?

Саҳобалар деди: — Ҳар ким донмо
Чекинга тушганни келгандир олиб.
Кураш майдонига чиққанда аммо,
Паҳлавон саналгай ким бўлса ғолиб.

Расулуллоҳ деди: — Кўҳнадир жаҳон,
Турфа хил куч-қудрат бордир одамда.
Лекин ўз жаҳлини енголган инсон
Ҳақиқий паҳлавон эрур оламда.

ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН

Ҳар кимга ҳамроҳдир ҳамиша қисмат,
Кимдир бошин эгар, ким кўксин кергай.
Расулуллоҳ демиш: Раббимдан фақат
Ким нима сўраса, ўшани бергай.

Оёқ-қўлин боғлаб Лайлини бир кун
Олиб келишдилар Каъбага томон.
Лайли хитоб қилди: — Тавба не учун,
Мажнуним бўлмаса тийрадир жаҳон.

Ибодат Мажнуннинг навбати эди.
У ҳам ошкор этди кўнгил майлини.
Каъбага бош уриб тураркан деди:
Мен сендан сўрайман фақат Лайлини,

ШАФҚАТ

Қабристон ёнидан ўтаркан Расул,
Кетганлар ёдига фотиҳа тортди.
Енгиллик сезгайдир бундай чоғ кўнгул,
Бироқ пайғамбарнинг ғуссаси ортди.

Гарчи боқий эмас дунёда инсон,
Гарчи у айлангай бир кун тупроққа,
Расул англаса ҳам бу ҳолни обдон,
Оддий банда янглиғ тушди титроққа.

Саҳобалар деди: — Қандайин зуғум,
Қандай ғам бағрингиз тирғламоқдадир?
Расул жавоб қилди: — Бир осий шу зум
Қабрида қон қақшаб йиғламоқдадир.

СЕН КАБИ

Онангни отангга хатлаб берганда,
Гувоҳ бўлмаганман, ишонгил ахир.
Боқурсан, юзингда қув заҳарханда,
Дунёни гўёки мен этдим тахир.

Босган қадамимдан чақнамас олов,
Даъво қилмасман ҳеч абадиятга.
На қўрғон қурдиму, на тутдим ялов,
Доим йўлдош бўлдим оддий ниятга

Бошни кўп қотирма, сен кимсан дебон,
Кимнинг хеш, кимнингдир андасидирман.
Ўткинчи дунёда мен ҳам бир меҳмон,
Худонинг сен кабн бандасидирман.

КИБР

Ғалати зотлар бор ёруғ оламда,
Дейлик, саломингга алик олмайди.
Саломни аликсиз қолдирган дамда
Бу ҳолни маломат қилмай қолмайди.

Улар бу дунёнинг гўёки нақши,
Жим боқар, савлати қўрқувга солар.
Уларнинг гапирмай юргани яхши,
Чунки нодонлиги билиниб қолар.

Улар ташлаб юрар елкага тўнни,
Кибр белгисидир бу ҳам бегумон.
Демишлар: — Ҳой банда, кийиб ол уни,
Йўқса, туйнугидан киргайдир Шайтон.

ФАРЗАНД

Бир куни ранжитди отани фарзанд,
Ота ўз уйидан бош олиб кетди.
Лекин Оллоҳ меҳри бўлиб сарбаланд,
Ота Макатуллоҳ васлига етди.

Ота фиғон чекди Каъба қошида,
Гўё унут бўлгай аламлар бари.
Нажот чарх урса ҳам гарчанд бошида,
Сира кетолмади бир гапдан нари.

Каъбага сиғинар экан кекса чол,
Армонин ошкора айтди оламга.
Деди: — Ибодатим бўлса ҳам увол,
Фақат саодат бер ўша боламга.

ХАЛҚНИ АСРАСАНГ...

Ҳеч кимдан девор билан ажралган эмас олам,
Вужудингга туташдир тегрангдаги шу ҳилқат.
Яхшилик қил ҳаммага, қайтажак ўзингга ҳам,
Сен ўзингни асрайсан, халқни асрасанг фақат.



● Қандай тотли-я...

Даврон АҲМАД олган сурат.

● СПОРТ

УМИДЛИ ЁШЛАР

● ЎЗБЕКИСТОННИНГ саккиз шаҳрида мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари ўртасида республика спартакиадаси давом этмоқда.

Спортнинг 23 тури бўйича ташкил этилган мусобақада дастлабки ғолиблар ҳам маълум бўлди. Жумладан, Чирчиқда баскетбол бўйича ўтказилган мусобақада билим юртлари жамоалари орасида тошкентликлар биринчи ўринни эгаллашди. Фарғона ва Навоий шаҳар жамоалари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни олдилар.

ИЎЛЛАНМАНИ КЎЗЛАБ

● ТОШКЕНТДА халқаро шашка бўйича олий лига аъзолари бўлган эркаклар ўртасида Ўзбекистон чемпионати якунланди.

Юз катакда дона суриш бўйича МДҲ чемпионатининг кумуш медали совриндори, халқаро гроссмейстер тошкентлик Николай Мешанский ғалаба қозонди. У 13 имкониятдан 11 очко тўплади. Ғолибдан ярим очкога ортда қолган тошкентлик Сергей Давидов билан Андрей Честковлар иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди. Ғолиблар 4 апрель куни бошланадиган МДҲ биринчилигида қатнашадилар. Тошкентда ўтказиладиган бу мусобақада жаҳон чемпионатига йўлланма олувчилар аниқланади.

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИДА

● МОСКВАДА АҚШ ва МДҲ бокс усталари ўртасида анъанавий халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказишга ҳозирлик кўрилмоқда.

29 март куни бошланадиган бу мусобақада Жамолиддинов, Филиппов, Антонов, Чеботарев, Григорьян, Кирилов, Имомов, Самойлов, Лебзяк, Курнявка, Судаков ва Болоусовларнинг иштирок этиши кўзда тутилмоқда. Тақрорий учрашув 3 апрелда ўтказилади.

ДНЕПР СОҲИЛЛАРИДА НАВРЎЗ

Шу баҳор кунлари Украина диёрида ҳам қувончли Наврўз байрами шодиёна нишонланди. Киевда бўлиб ўтган «Наврўз байрами» оқшомида дилрабо қўшиқлар ва гўзал рақслар ижро этилди, шеърлар ўқилди. Уни республика «Дўстлик» маданий-маърифий маркази билан қорақалпоқ маданияти Киев шаҳар жамияти уюштирди.

Нукусдан келган халқ ижодиёти жамоасининг артистлари, Украина пойтахтида яшовчи қорақалпоғистонлик маданият арбоблари мароқли томоша кўрсатишди. Киевликлар халқ анъаналари билан танишдилар, қорақалпоқ халқининг таомларидан татиб кўрдилар.

Қорақалпоғистон вакиллари республика кўргазмалар ва ёйма савдо марказининг бош павильонида катта ижодий ҳисобот бердилар.

(ЎзА махсус мухбири).

САЙЁРАМИЗ НАФАСИ



РАСМИЙ ТАШРИФ

● ТУРКМАНИСТОН пойтахти — Ашхобод расмий ташриф билан келган меҳмонларни кутиб олди. Куба делегацияси бу ерга келди.

Куба Республикаси билан Туркманистон ўртасида дипломатия муносабатларини ўрнатиш ташрифнинг бош мақсадидир.

ХЕЛЬСИНКИДАГИ УЧРАШУВ

● ЕВРОПАДА хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашувчи давлат вакиллари Хельсинкига келдилар.

Хельсинки шаҳрида 4-учрашув бўлади. Учрашув уч ой давом этади. Шу вақт ичида делегациялар томонидан муҳокамага қўйилган масалалар кўриб чиқилади, ҳужжатлар тайёрланади. 9 июль куни эса Хельсинкида давлат ва ҳукумат бошлиқларининг учрашуви чоғида ҳужжатлар имзоланади.

Россия Федерацияси ташқи ишлар министри Андрей Козирев кенгашда қатнашиш учун Финляндия пойтахтига келди. Уни президент Мауно Койвисто қабул қилди. Финляндия ташқи ишлар вазири Тааво Вяюрюнен Россия вазири билан учрашди. Мулоқотлар давомида Россия — Финляндия ҳамкорлиги масалалари муҳокама этилди.

ТИНЧ ИУЛ БИЛАН

● БМТ Бош котиби Бутрос Гали ўзининг махсус элчиси, АҚШнинг собиқ давлат котиби Сайрус Венс билан, Чехословакия ташқи ишлар вазири Иржи Динстбир билан мулоқотда бўлди.

Суҳбат чоғида Тоғли Қорабоғдаги аҳволни тинч бартараф этиш муаммоси муҳокама этилди. БМТ бош котиби жаҳон ҳамжамияти экспертларининг Тоғли Қорабоғ муаммосини ҳал этиш ишида маслаҳат билан ёрдам беришга тайёр эканликларини айтди.

ҲОЗИРЧА МАЪЛУМОТЛАР ИУҚ

● ТУРКИЯНИНГ ғарбий районларида яна бир ер силкинди. Ер силкиниши Рихтер шкаласи бўйича 4,9 балл бўлган.

Кандилли расадхонаси мутахассисларининг маълумотига кўра зилзиланинг маркази Истамбулда 250 километр шимолдаги Бурса шаҳрида жойлашган. Ер силкиниши натижасида кўрилган зарар ҳақида ҳозирча аниқ маълумот йўқ.

НОРОЗИЛИККА САБАБ

● ҚУДДУСДАН олинган хабарга кўра, Исроил парламентининг аъзоларидан бири Фаластин озодлик ташкилоти ижроия комитети раиси Ясир Арафатнинг рафиқаси Исроил томонидан босиб олинган Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғига келиш учун рухсат бермасликни талаб этди.

Арафатнинг ўзи эса котибасига уйланганлигини расман тасдиқлаганича йўқ. Лекин 28 яшар Сухе Тавил хонимга Рамаллах шаҳрига келишга рухсат берилган. Бу ерда унинг отаси истиқомат қилади.

(Жаҳон агентликлари ва рўзномаларининг хабарлари асосида тайёрланди).

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг иккинчи Тошкент давлат тиббиёт олийгоҳи 1992 йилга ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кундузги аспирантурага, клиник ординатурага, синалувчи тадқиқотчиликка.

Кундузги аспирантурага қуйидаги ихтисослар бўйича:

жарроҳлик, асаб касалликлари, суд табобати, рентгенология, руҳий касалликлар, гигиена (4).

Клиник ординатурага қуйидаги ихтисослар бўйича:

жарроҳлик (5), ички касалликлар (4), доя-гинекологик (4), рентгенология, педиатрия (2), асаб касалликлари, физиатрия, тери-таносил касалликлари, анестезиология ва реаниматология (5), юқумли касалликлар, руҳий касалликлар, жароҳатшунослик, кўз касалликлари, ЛОР касалликлари, клиник доришунослик, урология, эндокринология, гематология, ШЖТ ва ШН, онкология, ревматология.

Синалувчи — тадқиқотчиликка қуйидаги ихтисослар бўйича:

анатомий, доришунослик, пат, анатомия, топ. анатомия, гистология, физиология (2), гигиена (6), эпидемиология.

Қабул учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, таржимаи ҳол, иш жойидан тавсифнома-тавсиянома, диплом нусҳаси.

Аспирантурага кирувчилар шунингдек, чоп этилган ишлари рўйхатини ёки танлаган ихтисоси бўйича реферат тақдим этишади. Ихтисос фани бўйича, фалсафа ва чет тили бўйича олий ўқув юртлари учун амалдаги дастур ҳажмида имтиҳон топширадилар. Танлов имтиҳонлари 1992 йил 1 июндан бошланади. Ҳужжатлар эълон босилиб чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилгоҳга юборилсин: 700109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2.

Телефон: 46-46-37.

АГАР ЎЗИНГИЗДАГИ БИОҚУВВАТ УЗАТИШ ВА СЕЗИШ ХИСЛАТИНГИЗНИ АНИҚЛАМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ, МАРҲАМАТ ҚИЛИБ «НАДИМ» ФИРМАСИ ҚОШИДАГИ БИОҚУВВАТ ЛАБОРАТОРИЯСИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ.

Фирма қошида халқ табобати билан қизиқувчилар учун ўқув курслари ташкил этилган.

Ўқиш муддати — 1 ой.

Фирманинг тажрибали табиблари ҳамиша сизнинг хизматингизга тайёр. Кўз теккан ва илмиамал қилинган одамлардан ёрдамингизни аямаймиз.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Қиров райони, Низомий кўчаси, 57-уй (ҳаммом ёнида). (19, 156, 165-автобуслар; 2, 16, 22-трамвайларнинг «Ўзбекистон» заводи» бекати. Телефонлар: 34-29-25, 50-84-65.

СП—ТВ
Ахборот маркази

ИУЛДОШ ВОСИТАСИДАГИ ТЕЛЕВИЗИОН ЭШИТТИРИШ ТИЗИМЛАРИНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ.

БИЗНИНГ ТИЗИМЛАРИМИЗ:

— бу чет эл электроникаси ва ватанимиздаги антенна тизимларининг энг муносиб уйғунлиги,

— бу жаҳондаги етакчи фирмаларнинг энг олий тавсифномалари,

— бу Сизнинг телевизорларингиз экранида ўнларча дастур демакдир.

ФИРМА:

— тизимлар билан таъминлайди.

Ўрта Осиё минтақасида тизимларни йиғиб, ўрнатади, созлайди ҳамда уларга кафолатли ва кафолат муддатидан кейин хизмат кўрсатади.

— Буюртмачининг хоҳишига кўра йўлдошга автоматик созлаш қурилмаси, якка тартибда ва оммавий фойдаланиш тизими билан тўлдиради.

Тошкентдаги телефон: (3712) 74-12-97.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, 700126, Фарҳод кўчаси, 21-уй.

Бизнинг харидорларимиз энг ишончли, ҳаққоний ахборотларни биринчи бўлиб оладилар.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Фанлар Академияси «Биолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг ўсимликлар эксперименталбиологияси институти жамоаси Амалий генетика лабораторияси мудири, биология фанлари доктори М. Абзаловга онаси

Сабри биби АБЗАЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент автомобиль ва йўллар олий билимгоҳи ректорати, автомобиль иқтисоди ва фойдаланиш кулиёти, ҳаракатни ташкил қилиш кафедраси жамоаси, кафедра мудири, доцент Д. Ҳамраевга акаси

Қаҳрамон ҲАМРАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати чет тиллар кафедраси ва жамоаси чет тиллар кафедрасининг катта ўқитувчиси М. А. Зиёвутдиновга отаси

Атҳам МИРПУЛАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Рассомлар уюшмаси бошқаруви Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор

Сафо Муҳамедович МУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига, ёрубиродарларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг механика, жараёнларни бошқариш ва информатика бўлими ҳамда М. Т. Ўрозбоев номидаги механика ва зилзилага бардошли иншоотлар илмгоҳи жамоаси илмгоҳ ташкилотчиларидан бири, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, шахсий пенсионер

Шукур Ризаевич РИЗАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Электроника илмгоҳи ва МКТВ жамоалари илмгоҳ директори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ў. Расулевга отаси

Ҳасан Ғофур ўғли РАСУЛЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат дорилфунуни қошидаги ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитувчиларининг малакасини ошириш институти жамоаси институтнинг кекса ходими, фалсафа кафедрасининг собиқ мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор

Ҳасан Ғофурович РАСУЛОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзолари ва биродарларига таъзия изҳор қилади.

● Ҳодиса

ЖАВОБ ЎҚИ ОТИЛДИ

Хонқа районидаги ал-Хоразмий номли давлат хўжалигида истиқомат қилувчи А. Абдуллаев ярим тунда қўлида қирқма милтиқ билан шу совхоз ишчиси А. Пак «сени ўлдираман» деб пўписа қилаётганини милицияга хабар берди.

Мазкур жойга етиб келган район ички ишлар бўлими ва прокуратурасининг оператив гуруҳи давлат хўжалиги қўрғонидаги кўчалардан бирида ҳали битмаган уйга яшириниб олган қуролли безорини топишди. Таслим бўлиш ҳақидаги талабга жавобан жиноятчи ўқ ота бошлади, сўнгра эса иккита портлатувчи қурилмани ишга солди. Кучли портлашдан, хайриятки, ҳеч ким жабрланмади.

Ана шундай мураккаб вазиятда оператив гуруҳ ходимлари безори яна бир бошқа найрангини ишга солиши натижасида юз бериши мумкин бўлган хунук оқибатларнинг олдини олиб, жавоб ўти очишга мажбур бўлишди. Отишма чоғида А. Пак яраланди. Уни касалхонага олиб боришди. Жиноятчи қўлга олинган жойдан кичик калибрли милтиқ қирқмаси ва ҳали ишлатилмаган ўқ-дорилар топилди.

Жиноятчи даволангандан кейин тергов ва суд олдида жавоб беради.

Ю. ИБРОҲИМОВ, ЎзА мухбири

РАШК ОҚИБАТИ

«Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ётоқхонасининг ошхонасида эрта тонгда эркак кишининг жасади топилди. Ходиса содир бўлган жойга етиб келган Навоий ички ишлар бошқармаси оператив гуруҳи ишни марҳумнинг шахсини аниқлашдан бошлади. У самарқандлик бўлиб, бу ерга ўзига таниш аёлникига меҳмон бўлиб келганлиги маълум бўлди. Ўтказилган оператив-қидирув тадбирлари тахмин қилинган қотилни тезда топишга имкон берди. Содир этилган жиноят белгиларига кўра милиция ходимлари ишлаб чиқариш бирлашмасида ишловчи аёлни қўлга олдилар. У «рашк» туфайли шундай бўлганини айтиб, қилмишини бўйнига олди. Тергов ва суд воқеа тафсилотини ва аёлнинг қай даражада айбдор эканлигини аниқлаши лозим бўлади.

(ЎзА мухбири)

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

ПАЙШАНБА, 26

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон». 8.30 «Таллин ҳайвонот боғида». 9.00 «Сўнгги учрашув». Бадиий фильм. 10.30 «Меҳнату мурувватга чорлар Наврўз айёми». 11.00 «Табиат — ҳаёт чашмаси».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Китобим — офтобим». 18.45 «Билиб қўйган яхши». 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 «Алифбо сабоқлари». 19.55 Тилга эътибор. 20.30 «Ўзбекистон». 20.55 «Жума оқшоми». Диний-маърифий кўрсатув. 21.30 Ўзбек куйларидан концерт. 22.10 Ҳинд бадиий фильми.

● ЎзТВ II

18.30 «Наврўз». 19.00 «Бу оқшомда». 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда». 21.40 Анонс. 21.55 «Пульс». 22.05 «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

6.00 «Тонг». 8.35 «Шалола» ўзбек фольклор дастасининг чиқиши. 8.50 Мультфильм. 9.20 Қадимий саҳий эртаклар. «Мис тоғ бекаси». 10.45 «Сеанслар орасидаги сеанс». 12.00 Янгиликлар. 12.20 «Пи» белгиси билан». 13.10 «Геннадий Гладков». 14.10 «Ён дафтар». 14.15 «Телемикст». 15.00 Янгиликлар. 15.25 И. Архипова ижросида романслар. 15.50 «Ветлуга дарёси ортида». Бадиий фильм. 17.00 «Истеъдодлар ва мухлислар». 18.00 Янгиликлар. 18.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.05 Телефильм. 19.25 «Рая». 20.15 «Телескоп». 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 Хоккей. МДҲ чемпионати. 23.00 «Эфирда мусиқа» (Танаффус пайтида— 24.00 Янгиликлар).

● ДУБЛЬ IV

8.00 Хабарлар. 8.20 Испан тили. 8.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб». 9.05 Испан тили. 9.35 Болалар соати. 10.35 Вариацияли мавзу. «Салют, Америка!». 11.05 «Мен паҳлавон бўлганимда». Бадиий фильм. 12.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 16.10 «Зумрад шаҳар сеҳргари». Мультфильмлар. 7 ва 8-серияллар. 16.50 «Менеджерлар мактаби». 17.20 «Ҳаёт кузи». 17.35 «Мусиқий синф». 18.00 Хабарлар. 18.20 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 18.35 «Ҳулқ-атвор». 19.20 «Россия билан юзма-юз». 19.40 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, сувратга олаяпман». 19.55 «Танаффус». 20.10 Махсус тижорат хабарномаси. 20.20 «Ҳар бир кун байрам». 20.30 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 21.00 «Асил ҳолича». 22.00 Хабарлар. 22.25 «Бешинчи ўлдирак». 00.15 Халқаро театр кунига.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХЎЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухородa — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 6481

№ 60.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.30. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.